

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИСБОТ ҚИЛИШНИНГ ИШТРОКЧИЛАРИ**

**Муминов Музаффар Эркинович,**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси бошлигининг ўринбосари, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd), доцент, e-mail: tergovchi\_4334@mail.ru, ORCID: 0000-0002-0879-7291;*

**Исмоилов Асадбек Жўрамирза ўғли,**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим “Тергов фаолияти” мутахассислиги бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси 324-гуруҳ курсанти*

**Аннотация:** Ушбу мақола жиноят процессида исбот қилишнинг иштирокчилари борасида фикр ва мулоҳазалар келтирилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекснинг 86-моддасида белгиланган исбот қилишнинг иштирокчиларига оид нормадаги ҳуқуқий бўшлиқлар очиб берилиб, уни бартараф этиши юзасидан асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўз:** исбот қилиши иштирокчилари, суруштирувчи, терговчи, прокурор, суд, гумон қилтнувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, эксперт, мутахассис.

**Аннотация:** В данной статье изложены мнения и комментарии об участниках доказывания в уголовном процессе, выявлены правовые пробелы в норме об участниках доказывания, определенной статьей 86 Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан, а также сформулированы предложения и рекомендации по их устранению.

**Ключевые слова:** участники доказывания, дознаватель, следователь, прокурор, суд, подозреваемый, обвиняемый, подсудимый, потерпевший, свидетель, эксперт, специалист.

**Abstract:** This article presents opinions and comments about the participants of the evidence in the criminal process, reveals the legal gaps in the norm regarding the participants of the evidence defined in Article 86 of the Code of Criminal Procedure of the Republic of Uzbekistan, and elaborates suggestions and recommendations for their elimination

**Keywords:** Evidence participants, investigator, investigator, prosecutor, court, suspect, accused, defendant, victim, witness, expert, specialist.

**Кириш.** Республикамизда кейинги йилларда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга, амалдаги қонунчиликни

такомиллаштиришга қаратилган чоралар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Булар тизимида айниқса суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ишлар салмоқли ва алоҳида эътиборга молик. Мазкур соҳадаги ислоҳотлар самараси ўлароқ, мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашнинг халқаро талаб ва андозаларга жавоб бера оладиган ҳуқуқий механизми яратилмоқда.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, бугунги илм-фан ва технологиялар шиддат билан ривожланаётган даврда жиноят-процессуал ҳуқуқда далилларни баҳолаш тартибини замонавий талаблар ва амалиёт эҳтиёжлари асосида такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда.

Бизга маълумки, далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (кейинги ўринларда ЖПК деб юритилади)нинг 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлсагина, улар мақбул деб эътироф этилади (ЖПК 95-моддаси учинчи қисми).

Кўриниб турибдики, далилларни мақбул деб эътироф этиш учун қонунда иккита шарт белгиланган:

1) далилларнинг белгиланган тартибда тўпланганлиги;

2) далилларнинг ЖПКнинг 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги бўлса, мақбул деб эътироф этилади. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги “Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-198-сон қонунига мувофиқ, ЖПКнинг 95-моддаси учинчи қисми “Кодекснинг” деган сўздан кейин “88, 90” рақамлари билан тўлдирилди [3]. Эндиликда далилларни мақбул деб эътироф этиш учун улар ЖПКнинг 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлиши шарт.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Ҳозирги жадал ривожланган даврда барча демократик, ҳуқуқий давлатларда шахс ҳуқуқларини таъминлаш, уларни ишончли ҳимоя қилиш ва кафолатлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида эътироф этилиб, ушбу соҳада муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ жиноят-процессуал фаолиятда шахс ҳуқуқларини таъминлашда бир қанча муаммо ва камчиликлар ҳамон кўзга ташланмоқда. Шу муносабат билан камчиликларни бартараф қилиш мақсадида бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда.

Исбот қилиш жараёнида ҳимоячига далил тўплаш ваколати берилганлигини инобатга олиб, уни исбот қилишда иштирок этувчи субъектлар тоифасидан чиқариш

ва ЖПКнинг 86-моддаси биринчи қисмида белгиланган исбот қилишни бевосита амалга оширишувчи иштирокчилар қаторига киритиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ЖПКнинг 85-моддасида исбот қилишнинг тушунчаси таърифланган бўлиб, унда исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат эканлиги белгиланган [5, 150 б.].

ЖПКнинг далилларни тўплашни тартибга солувчи 87-моддасининг иккинчи қисмида эса ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриш жараёнида мажбурий баҳоланиши лозимлиги белгиланган [2].

Айтиш жоизки, ЖПКнинг 85-моддаси талаби билан 87-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган шартлар бир-бирига номутаносиб бўлиб қолган. Хусусан, “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлар юзасидан қонун қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2018 йил 4 апрелдаги қонуни[4]га мувофиқ, ЖПКнинг 87-моддасининг иккинчи қисмига ўзгартишлар киритилганда қонун чиқарувчининг назаридан четта қолганлиги билан изоҳланади. ЖПКдаги мазкур бўшлиқ, ҳимоячининг далил тўплаш орқали исбот қилишда иштирок этиш ҳуқуқига тўсиқ бўлиши билан бир қаторда, исбот қилишнинг умумий шартлари бузилишига замин яратади ва мазкур процессуал қоидаларнинг бенуқсон ишлашига ҳалақит беради. Айблов ва ҳимоя томонлари ўз фойдасига далилларни қўлга киритиш учун судга тақдим этилиши лозим бўлган “ҳақиқий материаллар”ни тўплашда тенг ҳуқуққа эга бўлишлари лозим. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги қонунини билан ЖПКнинг 84-моддаси иккинчи қисмига киритилган ўзгартишлар айнан шу мақсадни кўзлаганлиги шубҳасиздир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қонунда исбот қилишнинг иштирокчилари алоҳида норма билан тартибга солинмаганлиги айрим ҳуқуқий бўшлиқлар юзага келишига замин яратиши мумкин. Амалдаги ЖПКда исбот қилишнинг иштирокчиларига оид қоидалар белгиланганлигини ижобий деб баҳолаш мумкин.

Ҳимоячига барча тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳуқуқини эмас, балки барча тергов ва процессуал ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқини, шу билан бирга айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш юзасидан ташаббус билан чиқиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга айтиш мумкинки, ЖПКнинг 87-моддаси иккинчи қисмида ҳимоячининг жиноят иши юзасидан далиллар тўплаш

ва уларни тақдим этиш ҳуқуқига эга эканлигининг белгиланганлиги унинг “адвокат тергови”ни олиб бориш ҳуқуқига эга эканлигини англатади [6, 154 б.]. Бироқ, бунда ҳимоячи фаолияти самарадорлигига эришиш мақсадида, унинг ҳуқуқлари кенгайтирилиши талаб этилади холос.

Маълумки, жиноятларни тергов қилиш гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, эксперт ва бошқалар иштирокида амалга оширилади. Уларнинг ҳар бири муайян даражада айбланувчининг шахсий манфаатлари доирасига таъсир кўрсатади [7, 186 б.]. Шу сабабдан ҳам айбланувчи ҳуқуқларига таъсир этиш чегараларини белгилаш, қонуний манфаатлар ноўрин чекланишининг олдини олиш зарурияти юзага келади. Бунда энг аввало, у ёки бу тергов ҳаракатини ўтказиш учун чиқарилган қарор асосланганлиги талаб этилади. Ҳимоячининг тергов ҳаракатларидаги иштироки эса далиллар объективлигини оширади. Бироқ амалиётда ҳимоячининг бор-йўғи бир неча тергов ҳаракатларида, хусусан, айбланувчини сўроқ қилиш, айб эълон қилиш жараёнида иштирок этишинигина кўришимиз мумкин. Кўплаб жиноят ишларининг ҳақиқий ҳолати ҳимоячи томонидан мутахассисларни жалб этиш орқалигина исботланиши мумкинлиги, бу эса нафақат жиноят ишининг, балки айбланувчи ёки жабрланувчининг тақдирига ҳам бевосита ижобий таъсир ўтказиши нуқтаи назаридан ҳимоячининг барча тергов ҳаракатларида, хусусан, гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокисиз ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатлари (жабрланувчи, гувоҳни сўроқ қилиш ва бошқалар)да ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиши тўғрисидаги нормани ЖПКнинг 53-моддаси 1-қисмида акс эттиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз [6, 190 б.].

Бевосита ҳимоячининг суриштирув ва дастлабки терговни яқунлаш босқичидаги иштирокига тўхталиб айтиш мумкинки, ишни судга қадар юритишда тарафлар тенглиги ва тортишув принципи амал қилишини таъминлаш ҳамда ҳимоячи процессуал мақомининг ошишига ва таъминланишига эришиш мақсадида ҳимоячининг айблов тарафида бўлгани сингари иш юзасидан хулоса бериш амалиётини қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади [6, 186 б.]. Ушбу амалиётнинг жорий этилиши ҳимоячига *ўз фаолияти натижалари ва иш юзасидан хулосаларини процессуал ҳужжатда акс эттириши имконини беради. Ушбу процессуал ҳужжат – “ҳимоя хулосаси” деб номланиши ҳамда ишни судга қадар юритиши яқунланганидан ва ҳимоячи жиноят иши билан танишиб чиққанидан сўнг 3 кун ичида “ҳимоя хулосасини” судга тақдим этиши лозим бўлади.* Ҳимоячининг ҳимоя хулосасини тақдим этиш ҳуқуқини назарда тутувчи нормани ЖПКнинг 53-моддасида акс эттириш таклиф этилади.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ишни судга қадар юритишда жиноят-процессуал қонунлар жиноят ишларини юритиш фаолиятида ҳимоячи томонидан тақдим этилган “ҳимоя хулосаси” суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан қабул қилиниши, жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши юзасидан аниқ қоидалар ишлаб чиқилишини таъминловчи ташаббуслар ва ҳаракатлар қилиниши лозим.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон)
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (2023 йил 1 февралгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). – Т.: «Yuridik adabiyotlar Publish», 2023 й. – 560 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2008 йил 31 декабрдаги қонуни. URL: <https://lex.uz/docs/1419978>
4. Ўзбекистон Республикасининг “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2018 йил 4 апрелдаги қонуни. URL: <https://lex.uz/docs/3609511>
5. Jinoyat-protsessual huquq: Darslik / Yuridik fanlar doktori, professor M.A.Rajabova tahriri ostida (To‘ldirilgan va qayta ishlangan uchinchi nashr). – Т.: О‘zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2021. 732 б.
6. Ражабов Б.А. Жиноят процессида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – Б. 246.
7. Муминов М.Э. Адвокатнинг далилий маълумотларни тўплаш бўйича процессуал ҳуқуқлари // Адвокатлик фаолияти: назария ва амалиёт масалалари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, 2010. – Б. 184-189.